

**ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Курбонов Мухиддин Абдуллаевич**

*ТДИУ Молия ва Бухгалтерия хисоби кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада давлат харидларини амалга оширишда ахборот коммуникация технологиялари, уни сифатини такомиллаштириш йўллари бўйича олиб борилган тадқиқотлар баён этилган. шунингдек унда бюджет ташкилотларида давлат харидларини режалаштириш ва бу борада давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва давлат харидлари тизимининг аҳамияти, мавжуд муаммолар ва камчиликлар ўрганилган ва илмий, амалий хулоса ва таклифларишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлатхаридлари, режа-жадвал, электрон аукцион, электрон дўкон, бюджет харажати, товар, иш ва хизматлар хариди, очиқлик ва шаффоффлик, рақобат, электрон тендер, ижтимоий соҳа харажатлари.

**Annotation:** Description of information and communication technologies in public procurement in this dissertation is described in ways to improve their quality. It also discusses and the importance of public procurement in budget organizations and the importance of funds, existing problems and shortcomings and scientific, practical and proposals have been developed.

**Keywords:** Policy, schedule, electronic auctions, e-mails, budget expenses, goods, works, and communications, transparency, competition, electronic tenders, social spending.

### **КИРИШ**

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда туб ўзгаришиш ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳотлар давлат харидлари соҳасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Хусусан 2018-2021 йиллар оралиғида “Давлат харидлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуннинг икки марта қабул қилиниши ҳам бу борадаги ишлар қамрови ва муҳимлигини кўрсатиб турибди. Хар иккала қонун ҳам даврнинг ўзига

<sup>1</sup> 2018-2021 йиллар оралиғида “Давлат харидлари тўғрисида” қонуни

хосликларини ўзида намоён этади ва ўз навбатида давлат харидлари соҳасидаги шиддатли ислоҳотларни ўзида мужассамлаштирган.<sup>2</sup>

Давлат харидлари бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида уни янада кенгайтириш, очиқлиги ва самарадорлигини ошириш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги ролини оптималлаштириш назарда тутилган.

Шу билан бирга давлат харидларини амалга ошириш тизимида уни олдиндан режалаштириш каби хоридий илҳор тажрибалар ҳам кенг тадбиқ этиб келинмоқда.

Мамлакатда молиявий тизимни шакллантириш ва барқарорлаштириш, мазкур соҳани давлат томонидан бошқариш самарадорлигини белгилаш иқтисодий ўсишнинг асосий шартларидан бири сифатида амал қиласди.<sup>3</sup>

Давлат хариди давлат молияси тизимининг ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан бюджет соҳаси самарадорлигига, иккинчи томондан эса, давлат бюджети маблағларининг мақсадли натижавийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Мазкур вазифа фақат давлатнинг ташаббуси ва фаол иштирокида бажарилиши мумкин, бунда маблағларини мақсадли бошқариш бўйича тегишли ташкилий-иктисодий, ҳукуқий ва маҳсус чоратадбирлар мажмуаси амалга оширилади. Бюджет Кодекси<sup>4</sup>нинг қабул қилиниши амалдаги Солиқ кодекси билан биргаликда давлат молиясининг ягона бир хиллаштирилган, халқаро стандартларга мос бўлган конунчилик базасини шакллантиришга, бюджет соҳасидаги ҳукуқий муносабатларни тизимлаштиришга, бюджет жараёнининг барча босқичлари ва даражаларида ягона ҳукуқий нормалар ва ёндошувлар қўлланилишига, мамлакат бюджет тизимининг очиқ-ошкоралигини ва барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Электрон дўкон – маҳсус ахборот порталидаги майдонча бўлиб, у харид қилиши жараёнида иштирок этаётган товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг таклифлари асосида шакллантирилади.

Давлат буюртмачиси электрон дўконда ўзи учун зарур бўлган товар (иш, хизмат)ни танлаганидан сўнг, харид ғолиби сифатида энг паст нархни таклиф

<sup>2</sup> Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

<sup>3</sup> Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

<sup>4</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солик назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

этган иштирокчи автоматик тарзда аниқланади ҳамда ҳар икки томон ўртасидаги шартнома электрон тарзда расмийлаштирилади.<sup>5</sup>

Бундан ташқари бюджет ва корпоратив буюртмачиларэлектрон дўйоннинг қўшимча саҳифаси бўлган “миллий дўкон” орқали ҳудудлар кесимида(яъни буюртмачи жойлашган ҳудуддаги) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида давлат харидларини амалга оширишлари ҳам мумкин.<sup>6</sup>

Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукциондафақат товарлар хариди амалга оширилиб, уни ташкил этишда нарх маҳсулот етказиб берувчини танлашнинг ягона мезони хисобланади. Шунингдек, товарлар давлат буюртмачиси эълонида кўрсатилган шартлардава белгиланган сифат стандартларига мувофиқ ҳолдаётказиб берилиши зарур.

Аукцион ўтказилиш жараёни бошланиши учун аввало бюджет ҳамда корпоратив буюртмачилар маҳсус ахборот порталида эълон жойлаштиришлари талаб этилади. Шундан сўнг харидлар жараёнида иштирок этаётган товар етказиб берувчилар ёки уни ишлаб чиқарувчилар ўз таклифларини беришлари мумкин бўлади.

Товарни буюртмачининг эълонида кўрсатилган талаблар бўйича энг паст нархда етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади.

Аукционни ўтказиш, аукциондан фойдаланиш, аукцион ғолибларини аниқлаш, буюртмачи ва товар етказиб берувчи ўртасида шартномани шакллантириш ҳамда рўйхатдан ўтказиш маҳсус ахборот портали томонидан автоматик режимда амалга оширилади.<sup>7</sup>

Хорижий мамлакатларнинг ҳозирги ривожланиш даражаси бюджет маблағларининг оқилона сарфланиши, шу жумладан харид қилиш фаолиятидаги катта амалий тажрибанинг мавжудлиги билан тавсифланади (Мубаракшина, 2018)<sup>8</sup>.

Мамлакатимизда давлат харидларининг самарали тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш борища хорижий давлатлар амалиётини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг давлат харидлари соҳасидаги кўп йиллик тажрибасини таҳлил қилиш, камчиликларидан хулосалар чиқариш ва ютуқларининг ўзига хос жиҳатларини республика миллий харидлар тизимига жорий қилиш давлат буюртмачиларининг эҳтиёжларини ўз вақтида ва сифатли тарзда қондирадиган,

<sup>5</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солик назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

<sup>6</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солик назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

<sup>7</sup> Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

<sup>8</sup> (Мубаракшина, 2018) харид қилиш фаолиятидаги катта амалий тажрибанинг мавжудлиги

иқтисодиётни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатадиган давлат харидининг мукаммал механизмини яратишга имкон беради.<sup>9</sup>

АҚШнинг давлат хариди соҳасидаги фаолиятини умумий мувофикаштириш - Федерал харид сиёсати бошқармаси (Office of Federal procurement Policy) томонидан амалга оширилади. Бу орган дастлаб, Бюджетни бошқариш бошқармасида маслаҳатчи орган сифатида 1974 йилда ташкил этилган, 1988 йилдан хукуматнинг доимий фаолият юритувчи органи сифатида фаолият юритмоқда.

Федерал харид агентликлари томонидан амалга ошириладиган барча харид 1984 йилда ишлаб чиқилган давлат харидини тартибга солувчи “Федерал харид коидалари” (Federal Acquisition Regulation)<sup>10</sup> билан тартибга солинади. Унда харидни ташкил этишнинг барча босқичлари - харидни режалаштириш, давлат харидини амалга оширишни бошқариш ва уни тугаллашгача бўлган барча босқичлар ўз аксини топган.<sup>11</sup>

**Хисоб беришлик** - давлат ва жамоат назоратини таъминлаган ҳолда харидни ташкил этиш шартларига тўлиқ риоя этиш

**Шаффофлик** - харид ҳақидаги маълумотнинг очиқлиги ва уни олиш имконияти

**Очиқ ракобат** - дискриминацияга йўл қўймаслик

**Ҳаққонийлик** - хариднинг барча иштирокчилари учун teng имкониятлар бериш

## **2-расм. Европа харид тизимини бошқариш тамойиллари<sup>12</sup>**

<sup>9</sup> Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

<sup>10</sup> 1984 йилда ишлаб чиқилган давлат харидини тартибга солувчи “Федерал харид коидалари” (Federal Acquisition Regulation)

<sup>11</sup> Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

<sup>12</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/2558>

Давлат харидлари давлат маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харидлар бўлганлиги боис уни тахлил қилишда албатта давлат бюджетини тахлил қилиш лозим бўлади.

Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат бўлсада, унинг харажатлар қисми давлат харидларига кўпроқ боғлиқ ва катта таъсир ўтказади.

Шунинг учун ҳам таҳлилимини давлат бюджетининг харадатлари қисмидаги миқдор жиҳатидан ўзгаришлар орқали давом эттиширш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.<sup>13</sup>

## 1-жадвал.

### Давлат бюджети харажатлар қисми ижроси тахлили

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил
	Жамиҳаражатлар	79 736,1	118 008,6	144 142,7
1	Ижтимоий харажатлар	42 658,9	63 542,3	74 231,8
2	ННТ ва бошқа фуқаролик жамиятлари институтларини кўллаб-қувватлаш харажатлари	17,8	37,8	865,1
3	Иқтисодиётга ҳаражатлар	7 637,8	18 481,0	16 692,8
4	Марказлаштирилган инвестициялар харажатлари	5 400,4	7 048,5	18 843,7
5	Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, адлия, прокуратура ва суд органларини ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	3 878,9	7 005,7	7 826,4
6	Бошқалар	20 142,4	21 893,3	25 682,9

### ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари соҳасини тартибга солиш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганидан сўнг, давлат буюртмачилари сифатида бюджет ва корпоратив буюртмачилар этиб белгиланди. Улар ҳозирда беш хил турдаги харидларни амалга ошириш тартибтаомиллари турларининг биридан фойдаланган ҳолда давлат харидлари жараёнида иштирок этмоқдалар. Қонун қабул қилингандан сўнг дастлаб, давлат

<sup>13</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>

бу юртмачилари томонидан электрон давлат харидлари сифатида электрон дўкон ҳамда бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали савдолар амалга оширилаётган эди. Ҳозирги қунда эса танлов ва тендер савдоларининг ҳам электрон тартиби жорий қилиниб, ишга туширилмоқда. Республика изда давлат харидларининг барча босқичларида қўлланилиши керак бўлган асосланганлик, очиқлик ва шаффоффлик, молиявий маблағлардан фойдаланишининг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги каби тамойиллар белгилаб берилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
2. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, ризк анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
3. Абдуллаевич Қ.М. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
4. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/2558>
5. Қличев Б.П. (2022 а). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>;
6. Saidova, У. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
7. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. Economics and Innovative Technologies, 2020(2), 12. <https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>
8. Қличев Бахтиёр Пардаевич (2023 б). Ҳўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>
9. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УО'К: 657(075.8)
10. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
11. O.Xudoyorov (2017) Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>

12. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНГИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
13. Холикулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>
14. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>
15. О.О.Худоёров, & Ш.О.Фозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>
16. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2552>
17. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country's Economy through Bank Loans. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>
18. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
19. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
20. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
21. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҶУҶИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11). Экономика и образование, 23(3), 71-78.
22. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. World Scientific Research Journal, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>
23. Қличев Б. (2023 а). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from [http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557;](http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557)
24. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020)

Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743

<http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>

25. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР ОРКАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
26. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳдилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
27. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. Экономика и инновационные технологии, (5), 115–122. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11782](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782)
28. Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимуратовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИМОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>
29. Салимов , Б., & Салимов , Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. The Innovation Economy, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>
30. Xoliquulova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>
31. Ibragimova I., Tursunov U., NosirovA. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan.// International Journal of Management, IT & Engineering- Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558
32. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. International Journal of Management, IT & Engineering. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558, [https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME\\_MAY2023/IJMIE2May23\\_Uzb.pdf](https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJMIE2May23_Uzb.pdf)
33. Бозорова Озода Рахимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
34. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
35. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Soljanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank's Profit. INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION, 37(3).